

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 905-ҳадис

* كَانَ إِذَا أَخَذَ مَضْجَعَهُ مِنَ اللَّيْلِ، وَضَعَ يَدَهُ تَحْتَ حَدِّهِ، ثُمَّ يَقُولُ: بِاسْمِكَ اللَّهُمَّ أَحْيَا وَبِاسْمِكَ
أَمُوتُ، وَإِذَا اسْتَيْقَظَ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَ مَا أَمَاتَنَا، وَإِلَيْهِ النُّشُورُ.

(رواه البخاري)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечаси ўринларига ётганларида қўлларини чаккалари остига қўйиб: «Бисмикаллоҳумма аҳя ва амуту», (Ё Аллоҳ, Сенинг исминг ила тириламан ва Сенинг исминг ила ўламан), деб айтардилар. Уйғонганларида: «Алҳамду лиллаҳиллазий аҳянаа баъда ма аматанаа ва илайҳин нушур» (Бизни ўлдиргандан кейин тирилтирган Зотга ҳамд бўлсин. Қайтиш Унгадир), дер эдилар.

Бухорий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI